

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

**545 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига
йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида» 1997 йил
3 июлдаги 339-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сон Фармонини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида» 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори 1-бандининг биринчи хатбошига «агар қонун хужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса» сўзлари қўшилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 21 декабрь,
339-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

www.lex.uz